O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 21 сентябрь, № 183 (5098) Сешанба

# ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.**

*НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Ўтган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли ғояни кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислом Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайтирилиши шубҳасиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказади.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

---

*БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди.*

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛОНДОН УЧРАШУВИ

*ЛОНДОН, 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда «Британия — Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут ва «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Британия муносабатлари ривожланиб бораётганини, хусусан, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказаётгани, олий қонун чиқарувчи органлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари фаоллашгани, илмий муассасалар ва ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги кенгаяётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Буюк Британия ҳукумати билан ҳамкорлик учун очиқ, бугун қайта ишга солинаётган салоҳият яқин вақтларда ҳаётга татбиқ этилади. Сизларнинг фаолиятингиз мамлакатингиз халқи Ўзбекистон халқи ҳақида янада кўп маълумотга эга бўлиши учун яхши муҳит яратмоқда, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Йил охирида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан тажрибага эга. Буюк Британиянинг ўсимликшунослик ва экологияни ўрганиш бўйича институтлари дунёдаги етакчи илмий тадқиқот марказларидан саналади. Истиқболда бу йўналишдаги алоқалар ҳам кенгаяди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган икки юзга яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги элликдан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

«Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Учрашувда Ҳартли Бут Президент Ислом Каримовнинг айнан Лондон шаҳрида тўхтаб ўтиши чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлаб, Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмероннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Бирлашган Қироллик Ўзбекистон билан алоқаларини юксак қадрлайди. Мен британиялик қатор йирик сармоядорлар Ўзбекистонда салмоқли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканидан хабардорман. Умид қиламанки, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг жорий йилдаги навбатдаги мажлиси мамлакатларимиз ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаради».

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

---

***Ҳар қандай мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, кўп жиҳатдан, инвестиция сиёсатининг нақадар оқилона юритилишига боғлиқ. Чунки иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожини стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг изчил бажарилиши белгилаб беради.***

# ИНВЕСТИЦИЯНИНГ БУНЁДКОР КУЧИ

**Мушоҳада**

Зеро, Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, "Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор — инвестициялarsиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди".

Мамлакатимизда ана шу тамойил асосида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Буни биргина жорий йилнинг ярим йиллик якунлари ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, ўтган даврда ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотлари 8, истеъмол товарлари 11,8, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,9, қурилиш ишлари 11,5, чакана савдо айланмасининг 10,3 фоиз ўсиши таъминланди. Дунёнинг кўплаб давлатларида ишлаб чиқариш ҳажми тобора пасайиб, ташқи бозорга чиқиш қийинлашиб бораётган мураккаб бир шароитда юртимизда қўлга киритилаётган бундай муваффақиятлар инвестиция сиёсатининг тўғри танлангани билан баҳоланмоқда.

Дарҳақиқат, саноат корхоналарида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини ҳаракатга келтирувчи асосий куч — сармоя. Бироқ инвестициялар ўз-ўзидан оқиб келавермайди. Одатда, у инвесторлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратилган, қулай инвестициявий муҳит вужудга келтирилган, қисқача айтганда, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган давлатларга йўналтирилади.

Шу жиҳатдан қараганда, таъбир жоиз бўлса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ишончли ҳамкор эканлигини яна бир бор исботлади. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард АҚШ долларини, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,57 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани шундан далолат беради.

Қувонарлиси, ана шу катта ҳажмдаги маблағлар мамлакатимизда, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларнинг ҳаёт даражасини оширишга йўналтирилаётгани билан аҳамиятлидир. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда шаҳардагидан асло қолишмайдиган кўркам ва шинам уй-жойлар барпо этилаётгани,

(Давоми 2-бетда).

---

# АКТ ҳафталиги бошланди

***Кеча мамлакатимизда анъанавий "INFOCOM — 2010" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон алоқа тарихи музейида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.***

**«INFOCOM — 2010»**

Унда ҳафталик доирасида ўтказилиши режалаштирилган барча тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозир дунёнинг қайси бир ривожланган давлати тажрибасига назар солманг, мазкур соҳа улар иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига гувоҳ бўласиз. Юртимизда ҳам ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ушбу соҳанинг тараққий эттирилиши ва бошқа соҳаларга изчиллик билан татбиқ этиб борилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундан ташқари, ахборотлаштириш жараёни фуқароларимизнинг ҳам ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланишларига имкон яратмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ҳам бу борада амалга оширилаётган ижобий саъй-ҳаракатларнинг яна бир далилидир.

Мазкур тадбир Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги,

(Давоми 2-бетда).

---

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



**НАМАНГАН. Янгиқўрғон туманидаги "Ян текстиль" МЧЖда янги маҳсулот — ватинли сочиқ матоси тайёрланиши корхонанинг ташқи бозорга чиқиш имкониятини кенгайтириб юборди.**

## Маҳсулотга хориж харидор

Жамоанинг хорижга 89 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Мазкур кўрсаткич йил охиригача 300 минг АҚШ долларига етказилади.

55 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида ички бозорга 800 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот чиқарганлиги ҳам эътиборлидир. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиз кўп демакдир.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳорат мактаби

**ТОШКЕНТда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) ҳамкорлигида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг профессионаллашуви ва нодавлат телерадиоузатиш бозорининг ривожланиши» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги нодавлат телерадиоканалларда фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар билан бирга, германиялик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Иш ўринлари кўпаймоқда

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Чиноз туманидаги "Aleya Form" хусусий корхонаси ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ.**

Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган йўл қопламалари гузар ва хиёбонларни, тарихий обидалар атрофини ободонлаштиришда фойдаланилаётгани боис корхона маҳсулотлари анчайин харидоргир.

Бу ерга Хитойдан қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг замонавий ускуналар келтириб ўрнатилгач эса ишлар янада жонланиб кетди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури қирқтадан ошди, 30 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Бир йилда 120 та корхона

***ХОРАЗМ. Ҳазорасп туманида сўнгги бир йилда 120 та хусусий корхона ишга тушди. Шулардан бири "Музаффар Кулол" фермер хўжалиги раҳбари Н. Жуманазаров томонидан Саноат қишлоғида ташкил этилган мих ишлаб чиқариш корхонасидир.***

Хориждан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу ишлаб чиқаришда ҳозир 10 киши меҳнат қилмоқда. Улар кунига 3 тоннадан зиёд турли ўлчамдаги мих тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бермоқдалар.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

***Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёш оилаларга***

**55,5** **миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.**

Ана шу ипотека кредитлари, таъбир жоиз бўлса, уларга қўшалоқ тухфа бўлди: ҳам уй-жой сотиб олдилар, ҳам хонадонларига зарур жиҳозларни харид қилдилар.



***Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни яқинда кучга кирди.***

# НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ушбу ҳужжат Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида"ги, "Нотариат тўғрисида"-ги қонунларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила ва Солиқ кодексларига ҳамда Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарорига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унга мувофиқ, нотариуслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий характердаги ҳаракатлар амалга оширилиши орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нотариат институти тушунчаси кенгайтирилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Маълумки, 2010 йил 15 майдан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти тугатилиб, аҳолига малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар фақат давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан амалга оширилиши тартиби ўрнатилди. "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида эса нотариусларга қўйилаётган талаблар белгиланган. Яъни йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга эга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил иш стажи бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

Нотариал ҳаракатлар негизида ҳуқуқий муносабатлар ётади.

### Қонун кучга кирди

Шунинг учун нотариуслар етарли юридик билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Табиийки, эндиликда нотариусларга қўйиладиган малака талаблари кучайтирилди, яъни уларнинг малакасини мажбурий ошириш тизими жорий этилди.

Ана шуларга биноан, малака комиссияси фаолияти, унинг таркиби ва ваколати каби масалалар аниқлаштирилди. Асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди судьялари, нотариуслар ва адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакилларини киритган ҳолда, у Олий малака комиссияси деб қайта номланадиган бўлди. Шу билан бирга, Қонун йўли билан нотариуснинг стажёри ва ёрдамчисига тегишли талаблар қўйилиб, уларнинг мақоми аниқ белгиланди.

Нотариуснинг сифатли ва холис фаолиятини таъминлаш зарурати туфайли "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган чеклашни нотариуснинг стажёри ва ёрдамчисига ҳам татбиқ этиш белгиланган.

Мазкур янги қонун билан нотариуслар фаолияти учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш мақсадида нотариусга нотариал ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этмаганлик, худди шунингдек, нотариус томонидан касб мажбуриятлари бажарилишига бошқа тўсқинликлар қилинганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бу норманинг киритилиши мамлакатимизда замонавий нотариатнинг фаол моделини шакллантириш ва нотариуслар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Айни пайтда унда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун, Оила ҳамда Фуқаролик кодексларининг нотариал ҳаракатга дахлдор қисмлари такомиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши мамлакатимизда нотариал идораларнинг фаолиятига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**А. УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ИНВЕСТИЦИЯНИНГ БУНЁДКОР КУЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

жумладан, шу йилнинг дастлабки олти ойида барча шарт-шароитга эга 3113,7 минг квадрат метр тураржой калити аҳолига топширилгани бунга мисол бўла олади.

Кўриниб турибдики, юртимизда сармояларнинг салмоқли қисми бунёдкорлик мақсадларига сарфланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, қурилиш соҳасининг тараққиёти нафақат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизими, балки у билан узвий боғлиқ бўлган яна кўплаб тармоқларнинг ривожини таъминлаётир. 2010 йилнинг икки чораги мобайнида ишга туширилган 529 та ишлаб чиқариш объектининг 138 таси қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилгани, 30 таси ёғочни қайта ишлаш, 64 таси енгил саноат, қолганлари эса бошқа тармоқ корхоналари эканлиги бунинг тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилаётган бундай корхоналар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, экспортбоп материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда қўл келаётир. Узоққа бормайлик, жорий йилнинг ўтган даврида 181 турдаги янги маҳсулотни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, улардан 40 таси экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатига киритилди. Айни пайтда 400 хил товарларимиз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида жаҳоннинг қарийб 140 мамлакатига экспорт қилинаётгани эътиборлидир.

Экспертларнинг фикрича, кейинги йилларда инвестициялар оқимининг Ўзбекистон томонига оғишининг яна бир сабаби бор. Бу Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил охирида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилганидир. Гап шундаки, мазкур саноат зонасининг барпо этилишидан кўзланган асосий мақсад чет эл сармояларини, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш эди. Шундай бўлди ҳам. Яъни давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига кўра, бу ерда фаолият юритаётган чет эллик сармоядорлар учун кенг имтиёзлар берилгани, айниқса, инвесторларнинг қизиқишини янада ошиб юборди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида янги саноат зонасида хорижий сармоялар иштирокида бешта корхона фойдаланишга топширилгани фикримизнинг исботидир.

Чиндан ҳам, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик йиғилиши қатнашчиларидан бири, ОТБнинг Ғарбий ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бош директори Хуана Мирандининг эътироф этишича, "Бугун жаҳон давлатларининг диққат-эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Сабаби, республика иқтисодиётида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Бу бевосита бу ерда яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасидир". Бу, аслида, инвестициялар модернизация ва янгиланишнинг асосий шарти эканлигини тасдиқловчи ҳақиқатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲОРАТ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш жараёнидаги кенг кўламли ислоҳотларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат матбуот тузилмалари, радио, телевидение фаолиятини янада фаоллаштириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан нодавлат телерадиостанцияларда фаолият кўрсатаётган ижодий, техник ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ёш журналистлар учун республикамиз ва хорижлик етакчи мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар иштирокида ташкил этилаётган маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлар, ижодий анжуманлар бунинг тасдиғидир.

— Нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга, — дейди Германиянинг журналистика ва коммуникация тадқиқотлари институти профессори Беата Шнайдер. — Юртингизда ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор кўрсатилаётир. Мен Ўзбекистонга кўп йиллар аввал келгандим. Шаҳарларингизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани, мамлакатингиздаги фаровон ва осуда ҳаёт, ёшларнинг юз-кўзида мужассам эртанги кунга ишонч ҳисси киши эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди.

Давра суҳбати шаклида ўтган ёш журналистлар ўқувида нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари, бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибага оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Нозокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Модернизация — ютуқлар гарови

***Юртимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, саноатни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бугунги кунда маҳаллий хом ашё асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда.***

### Интилиш

Уларнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш баробарида, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этишга хизмат қилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Буни Бухоро шаҳридаги "Textiles Spektrum colors" қўшма корхонаси фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

— Жамоамизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаяпти, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Толиб Қўлдошев. — Шу мақсадда яқинда Германиянинг "Шторк" русумли линиясини харид қилдик. У бир кеча-кундузда 20 минг погонметр матога гул босиш қувватига эга. Хориждан сотиб олинган "Монфортс" русумли ускунада эса буюртмачиларга жўнатиладиган матолар оҳорланади. Бугунги кунда ана шу замонавий технологик линияларни ўзимизнинг ёшлар моҳирона бошқаришаяпти. Эътиборлиси, биз ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан ҳар ойда тўрт-бешта янги иш ўрнини очаяпмиз.



Гулбарчин Каримова — жамоада эндигина иш бошлаган ёшлардан ҳисобланади. Гул босиш линиясида меҳнат қилади. Унинг ҳаракатларини кўриб, ўз ишининг ҳадисини олганини пайқайсан, киши. "Ўтган бир ярим ой ичида устозим Солия Бафоевадан касб сирларини ўргандим, — дейди у. — Шундай корхонада меҳнат қилаётганимдан хурсандман".

Айни пайтда қўшма корхонада 192 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаяпти. Хусусан, Шароф Муҳаммедов ўз меҳнати, жонкуярлиги билан жамоада эъзоз топганлардан.

— Гул босувчилик касбига ёшлигимдан меҳр қўйганман, — дейди у. — Илгари "Бухоротекс" корхонасида ишлаган эдим. Қўшма корхонада фаолият бошлагач, Ҳиндистонда бир ой бўлиб, малака ошириб қайтдим. Бугун замонавий корхонада ишлаётганимдан ғурурланаман. Негаки, эндиликда хорижликлар ҳам биздан касб сирларини ўрганишаяпти. Масалан, Озарбойжон ва Тожикистон республикаларида менинг шогирдларим борки, бундан қалбим ифтихорга тўлади.

Ана шундай жонкуяр, тиниб-тинчимас ишчиларнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Украина ва Россия давлатларида қўшма корхонанинг "Савдо уйлари" орқали хорижлик буюртмачиларга жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 114 минг АҚШ долларилик момиқ сочиқ жўнатилди. Шунингдек, 248 минг АҚШ доллари миқдорида газлама ҳамда 45 минг АҚШ долларилик калава ип экспорт қилинди.

Жамоа аҳли йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида астойдил изланмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Гулбарчин Каримова, Шароф Муҳаммедов ва Санобар Файзуллаева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# Қишлоқда тикувчилик цехи

Тадбиркорлик

***Шаҳрихон туманилик тадбиркор Бахтиёр Султонов Назармаҳрам қишлоғида касаначилик асосидаги тикувчилик цехини ташкил этди.***

Ҳозир бу ерда 21 нафар қишлоқ чевари турли бежирим либослар ҳамда махсус кийим-кечаклар тайёрлашмоқда. Улар сифати ва бежиримлиги билан ички бозорда харидорини топиб бораётир. Яқинда корхона жамоаси "Ўз Коран ко" қўшма корхонасининг 25 миллион сўмлик буюртмасини етказиб берганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Эътироф этиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида туманда биргина касаначиликни ривожлантириш орқали 354 та янги иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Навоий томонларда

# Ҳомий ташкилотлар ҳиммати

***Баркамол авлод йилида Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда бир қатор ҳомий корхоналар ташаббуси билан Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатида кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилгач, у бутунлай янгича қиёфа касб этди.***

Имконияти чекланган болалар таълим олаётган ушбу масканда спорт зали, тикувчилик ва дурадгорлик устахоналари, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган фан хоналари мавжуд.

Ушбу мақсадлар учун 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

# Архив учун янги бино

***Навоий шаҳрида республика Давлат архиви вилоят филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Уни қуриш учун давлат бюджетидан 950 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Замонавий кўринишдаги мазкур мажмуа уч юз мингдан ортиқ архив ҳужжатини сақлаш имкониятини беради. Шунингдек, бинонинг мажлислар зали ва архив ҳужжатларидан фойдаланиш хоналари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АКТ ҳафталиги бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш" лойиҳаси (ICTP), Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда.

24 сентябрга қадар давом этадиган ҳафталик доирасида ўндан ортиқ турли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. АКТ миллий саммити, "ICTExpo — 2010" миллий ахборот технологиялари кўргазмаси, қатор мавзулардаги семинарлар, халқаро конференциялар ва бошқа анжуманлар шулар жумласидандир.

Ҳафталикнинг биринчи иш куни муҳим тадбир билан бошланди. Хусусан, "Ахборот технологиялари — болаларга" хайрия тадбири доирасида Тошкентдаги 259-мактабда ташкил этилган компьютер синфи фойдаланишга топширилди. Бу ерга ўрнатилган 10 та замонавий компьютерга "TPS" компанияси томонидан интернетдан бепул фойдаланиш имконияти яратиб берилди.

Ҳафталик ўз ишини давом эттирмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОҒОЗДАН — АХБОРОТ

***Мамлакатимизда давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қоғоздан тежамкорлик билан фойдаланиш, қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда технологик йўқотишларни камайтириш имконини берадиган стандартлар изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда қабул қилинган "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилаётир.***

Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар қоғоз маҳсулотларини тендер асосида харид қилиш тизимини такомиллаштириш ва сотиб олиш харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш, қоғоз сарфини камайтириш мақсадида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши изчил жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерфаол хизмат кўрсатиш турлари тармоғи ривожланмоқда. Натижада қоғоз сарфи 10 фоиздан 40 фоизгача қисқарди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам замонавий техника, янги технологиялар ва илғор тажрибани жорий этиш орқали техник эҳтиёжлар учун ишлатилаётган қоғоз сарфи босқичма-босқич камайтирилмоқда.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш Савдо-саноат палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Палата Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тадбиркорликни ташкил этиш ва унинг тизимли фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда ташкилий, инфратузилмавий, интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга доир ишлар мунтазам йўлга қўйилган. Савдо-саноат палатасининг таркибий бўлимлари, жумладан, ижроия қўмитаси, 14 ҳудудий бошқармаси, икки юздан ортиқ ахборот-маслаҳат маркази, 14 ҳакамлик суди, 3 та тренинг-ресурс маркази ва 17 унитар корхонаси томонидан тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 20 мингдан зиёд хўжалик субъекти унинг аъзолари саналади. Палата хорижда 21 ваколатхонага эга, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлар ҳамда Европа Иттифоқидаги 50 дан ортиқ хорижий шериклари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган.

— Палатамизнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларида операция сарф-харажатларини камайтириш мақсадида белгиланган вазифалар ва палата зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ барча жорий бизнес жараёнларга ахборот технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг истиқбол ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Нодир Султонмуҳамедов. — Ҳар йили марказий аппарат ходимлари томонидан факсимил алоқа орқали олинган 20 мингдан ортиқ хат, 5400 ҳужжат, info@chamber.uz корпоратив почта манзилига келган 1200 мурожаат ҳамда электрон почта орқали олинган 50 мингдан ортиқ хат кўриб чиқилади. Бу нафақат кўплаб қоғоздаги, балки электрон ҳужжат айланиши амалга оширилишидан далолатдир. Аммо аслини олганда, қоғоз айланиши фақат девонхона томонидан камайтирилмоқда. Қоғоз айланишининг 60 фоизини турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан келадиган хатлар ташкил қилади. Қолган 40 фоизи муайян давлат органларига юборилиши шарт бўлган ҳужжатлардир. Мисол учун, аъзоларимиз манфаатини ҳимоя қилиш учун судга ариза берадиган бўлсак, одатда, ҳужжатларнинг 15-20 бетдан иборат қоғоз шаклидаги бир неча нусхаси илова қилинади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Савдо-саноат палатаси жорий фаолиятга, биринчи навбатда, ҳудудий бошқармалар ва туман ахборот-маслаҳат марказлари ходимлари ўртасида янги компьютер технологиялари ҳамда дастурий таъминотни жорий этишга ҳаракат қилмоқда. Марказий аппаратда 40 нафардан ортиқ бошқарув ходими меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири компьютер ҳамда мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг офис пакетидан фойдаланади. Марказий аппарат, 14 ҳудудий бўлими ва 58 ахборот-маслаҳат маркази ягона корпоратив тармоқда (VPN) бирлаштирилган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши тизими, корпоратив электрон почта, тезкор маълумотлар хизмати, "Норма" дастури тармоғи, Маълумотлар узатиш миллий тармоғи ресурслари (Интернет), шу жумладан, Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича палатанинг ахборот ресурсларидан (маълумотлар базаси, методологик материаллар, электрон шаклдаги каталоглар) фойдаланмоқда. Иш унумдорлигини ошириш ва палата ходимлари ўртасида тезкор алоқани таъминлаш мақсадида электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилиб, самарали қўлланилмоқда. 2006 йилда палата аъзоларидан бирининг ёрдами билан "Гермес" электрон ҳужжат айланиши тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим ижро интизомини таъминлаш, давлат муассасаларида қўлланилаётган иш юритиш бўйича амалдаги қоидаларга биноан ташкил этилган. Бу келадиган ва жўнатиладиган хатларни рўйхатга олиш, топшириқлар бажарилишини, таркибий бўлимлар ўртасида ички ёзишмалар, хизматга доир маърузаларни назорат қилишни ташкил этиш тизимига тааллуқлидир. Мазкур тизим ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми аҳволи мониторингини ташкил қилишга ёрдам бериш билан бир қаторда, ҳар бир топшириқни бажариш вақти ва жараёнини, ходимларнинг иш билан бандлик даражасини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, тадбирлар ва ҳужжатлар устида биргаликда ишлашда палата ходимлари электрон почта ҳамда тезкор маълумотлар корпоратив дастуридан унумли фойдаланмоқда.

Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, марказий аппаратда электрон ҳужжат айланиш тизимидан 95 фоиз фойдаланилмоқда. Негаки, ходимларнинг принтер ва нусха кўчириш техникасидан фойдаланиши чекланган ва қатъий назоратга олинган. Палатада жорий этилган қоғоз сарфини меъёрлаштириш тизими қоғоздан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда. Бунинг учун девонхона ходимлари келадиган ва жўнатиладиган ҳамда ички ҳужжатлардан электрон нусха олиб, уларни "Гермес" электрон ҳужжат айланиши тизимининг маълумотлар базасида электрон шаклда сақлайди. Кейинги беш йилда Савдо-саноат палатасининг ҳужжатлари электрон шаклда тўлиқ сақланмоқда. Бу қоғоз сарфини йилига 10-15 фоиз камайтириш имконини бераётир. Бундан ташқари, 2009 йилда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш, марказий аппарат бўлимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида ISO: 9001 стандарти бўйича "Гермес" электрон ҳужжат айланиши тизими билан боғлиқ сифат менежменти тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди ва сертификат олинди.

Савдо-саноат палатаси марказий аппаратининг ҳудудий бўлимлар билан алоқаси электрон ҳужжат айланиши орқали амалга оширилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Ҳар бир ҳудудий бўлимда 10-15 киши ишлайди, уларнинг ярми кундалик фаолиятида компьютердан фойдаланади. Улар ўртасида деярли барча ёзишмалар электрон почта ёки

